

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Artur Gambaryan
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
2. Умаров Бекзод Азаматович ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
4. Avezov Umidjon Toshpulatovich JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o‘g‘li O‘ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O‘TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
6. Муракаева Зухра Ильгизаровна СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
7. Джалилов Фуркат Закирович ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
9. Jumanazarova Marjona Botir qizi OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108



12.00.01-ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,

Тошкент давлат юридик университети


“Давлат ва ҳуқуқ назариси” кафедраси профессори,

юридик фанлар доктори

E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation: Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna. FEATURES OF THE CONSTITUTIONAL REFORMS OF THE NEW UZBEKISTAN: THEORETICAL AND LEGAL ASPECTS. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 5-18

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243267>

АННОТАЦИЯ

Мақолада конституциявий ислохотлар, қонунчилик ва уларни кенг жамоатчиликка етказишда ҳуқуқий тарғибот ва ташқивикот ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари муҳокама қилинади. Муаллиф давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий тарғибот масалаларининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган. Ўзбекистонда конституциявий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти ва долзарблиги тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан қиёсий ттаҳлил этилган. Шунинг учун инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва ҳуқуқий маданият даражаси ўзаро боғлиқлигига аҳамият берган, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга урғу берган. Айниқса, Тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилаётган ишлар биринчи навбатда инсон қадрини улуғлашга қаратилгани, инсон манфаатларига тўлиқ жавоб бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳимоя қилиш нуқтайи назардан амалдаги Конституцияга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи ўрганилган. Чунки, бу ердаги энг асосий муаммолардан бири – аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ эканлиги бўлиб, мийаллиф бу бордаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларига тўхталган. Ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқлари ва ижтимоий фаоллигини оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ҳам ўрганилди. Мақолада янгиланиш даврида Ўзбекистонда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолини давлат томонидан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган ижобий ишлар таҳлил этилган. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқи ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид шарқ мутафаккирларининг ҳам қарашлари ўрганилган. Жумладан, Абу Нарс Форобий сиёсий-ҳуқуқий меросида қонунчилик масалалари қиёсий ўрганилган. Конституциявий ислохотларнинг инсон манфаати ва ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги янги хизматлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: конституция, давлат, ҳуқуқ, қонун, ислохот, инсон, тараққиёт.

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,
 Профессор кафедры "Теории государство и право"
 Ташкентского государственного юридического университета,
 доктор юридических наук
 E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

**ОСОБЕННОСТИ КОНСТИТУЦИОННЫХ РЕФОРМ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА:
 ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ**

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются конституционные реформы, законодательство и правовая пропаганда в доведении их до широкой общественности, а также повышение правовой культуры населения. Особое внимание автор уделит роли и значению правовой пропаганды в обеспечении верховенства закона во всех сферах деятельности государства и общества. Важность и актуальность реформ, проводимых в конституционной сфере в Узбекистане, имеет историческое и юридическое значение. Поэтому в нем придавалось большое значение взаимосвязи прав и свобод человека и уровня правовой культуры, а также подчеркивалось повышение правовой культуры среди населения, особенно среди молодежи. В частности, был рассмотрен вопрос о том, направлена ли работа, изложенная и проводимая в стратегии развития, в первую очередь на прославление человеческих ценностей, полное удовлетворение интересов человека, а также автором изучен внесение дополнений и изменений, связанных с действующей Конституцией, с точки зрения защиты социально уязвимого слоя населения. Поскольку одной из главных проблем здесь является тот факт, что она связана с социальной защитой населения, автор затронул правовые основы государственной политики. Также были изучены теоретические и правовые основы повышения личных прав и социальной активности каждого гражданина. В статье анализируется позитивная работа, направленная на поддержку нуждающихся слоев населения и сокращение бедности в результате реформ, проведенных в Узбекистане для защиты населения, нуждающегося в социальной помощи со стороны государства в период обновления. Также были изучены взгляды восточных мыслителей на повышение правовой и социальной активности населения. В частности, в политико-правовом наследии Абу Нарса Фараби законодательные вопросы были изучены сравнительным образом. Показаны новые характеристики конституционных исчерпывающих в области человеческих интересов и прав.

Ключевые слова: Конституция, государство, право, закон, реформа, человек, прогресс.

Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna,
 Professor of the Theory of State and Law Department
 of Tashkent State University of Law,
 Doctor of Law
 E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

**FEATURES OF THE CONSTITUTIONAL REFORMS OF THE NEW UZBEKISTAN:
 THEORETICAL AND LEGAL ASPECTS**

ANNOTATION

The article discusses constitutional reforms, legislation and legal propaganda in bringing them to the general public, as well as improving the legal culture of the population. The author paid special attention to the role and importance of legal propaganda in ensuring the rule of law in all spheres of activity of the state and society. The importance and relevance of the reforms carried out in the constitutional sphere in Uzbekistan has historical and legal significance. Therefore, it attached great importance to the relationship between human rights and freedoms and the level of legal culture, and also emphasized the improvement of legal culture among the population, especially among young people. In particular, the question was considered whether the work outlined and carried out in the

development strategy is primarily aimed at glorifying human values, fully satisfying human interests, and the author also studied the introduction of additions and amendments related to the current Constitution from the point of view of protecting the socially vulnerable segment of the population. Since one of the main problems here is the fact that it is connected with the social protection of the population, the author touched upon the legal foundations of state policy. The theoretical and legal foundations of increasing the personal rights and social activity of each citizen were also studied. The article analyzes the positive work aimed at supporting the needy segments of the population and reducing poverty as a result of the reforms carried out in Uzbekistan to protect the population in need of social assistance from the state during the renewal period. The views of Eastern thinkers on increasing the legal and social activity of the population were also studied. In particular, in the political and legal legacy of Abu Narsa Farabi, legislative issues were studied in a comparative way. New characteristics of constitutional islands in the field of human interests and rights are shown.

Keywords: Constitution, state, legal right, law, reform, human, progress.

Эл-юртимиз биз бошлаган халқчил ислоҳотларга бугун хайрихоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ кўришни истамоқда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик.

Ш. М. Мирзиёев

Кириш

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари тезлашиши ҳамда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни фаоллашуви давлатимизнинг амалдаги конституциясига ўзгартиришлар киритиш лозимлигини ҳаётий заруриятга айлантирди. Шунингдек, 2022-2026- йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишларда кенг кўламли ишларни амалга оширишга оид 100 мақсад белгиланганки, уларнинг барчаси инсон қадри тамойилининг ҳуқуқий-назарий-маънавий-сиёсий жиҳатларини таҳлил этишни талаб этади. Янги шароитлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда амалдаги қонунчилигимизда бир қанча бўшлиқлар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ёки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам экан, мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига содиқлигини ва шу соҳадаги мажбуриятлари тўлиқ бажаришга интилади.

Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномаларда виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига оид давлатларнинг қатор мажбуриятлари кўрсатилган. Хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига асосан “(1) Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, яқка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда ибодат қилиш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади”-деб белгиланган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида “Ушбу Пактда қатнашувчи давлатлар мазкур Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни бирор-бир камситишсиз, яъни ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, насл-насаби ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар кафолатлаш мажбуриятини оладилар” деб белгиланган.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш, фуқаролар учун виждон эркинлиги

хуқуқини тўлиқ кафолатлашнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Кўп миллатли юртимизда ўзаро дўстлик муҳитини яратиш, диний конфессия вакиллари ўртасида бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат ўзаро ҳамжиҳатликда аҳил-иноқ яшаб келмоқда, 16 та конфессиянинг 2 334 та диний ташкилотлари ўз фаолиятини олиб бормоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясини амалга оширишга, диний таълим ва маърифат тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинди.

Бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилганлиги, БМТ Бош Ассамблеясининг мажлисида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир.

Шу боис ҳам, янги киритилаётган қўшимчалар орқали давлат демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэтироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлигини хуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, ҳимоя қилиш ҳамда таъминлашнинг вақтнинг ўзи талаб этмоқда. Янги конституциявий ислохотлар натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилигимиз янада такомиллашади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш борасида қўшимча конституциявий-хуқуқий кафолатлар белгиланади.

Мазкур янги даврда глобаллашув шароитида бундаай бўшлиқларни тўлдириш, қонунчилигимизни такомиллаштириш орқалигина Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш мумкинлиги заруратга айланди. Айниқса, Тараққиёт стратегиясида белгиланган ва мантиқий кетма-кетликда амалга оширилаётган ишлар биринчи навбатда инсон қадрини улуғлашга қаратилгани, инсон манфаатларига тўлиқ жавоб бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳимоя қилиш нуқтайи назардан амалдаги Конституцияга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Чунки, бу ердаги энг асосий муаммолардан бири – аҳолининг ижтимоий ҳимояси, инсон шшаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва экинликларини таъминлаш, ҳурмат қилиш билан боғлиқ эканлигидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ва моддий жиҳатдан муҳофаза қилишни таъминлайдиган, иккинчидан, уларнинг ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли даражада таъминлайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқишини заруриятга айлантirmoқда.

Ривожланган демократик мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини давлат тўлалигича ўз зиммасига олган. Ушбу масала Ўзбекистонда ҳам сўнгги 4-5-йилда устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда. Бироқ, амалдаги Конституцияда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ хуқуқий нормалар аниқ очиб берилмагани бу жараён янада фаоллашувига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фикримиз тасдиғи сифатида амалдаги Конституциянинг «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бобининг 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», деб ёзиб қўйилган. Бу модда умумий характерда бўлиб, жуда кўплаб саволларни келтириб чиқаради. Аниқроқ айтадиган бўлсак, давлат қандай тоифадаги аҳолини қайси воситалар билан қайси вазифалари орқали ҳимоя қилиши аниқ очиб берилмаган. Шунинг учун ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, конституцияда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама ҳимоя қилишда давлатнинг вазифаларини белгилаб бериш зарурати пайдо бўлмоқда.

Аҳолининг конституцион ҳуқуқлари ва манфатлари давлат сиёсати даражасида конституциявий янги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифларида ҳам акс этганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Жумладан, “инсон қадри учун” устувор тамойилини тадбиқ этишни янада

чуқурлаштириш фуқароларимиз учун дунёнинг қаерида яшамасин, меҳнат қилмасин, таълим олмасин давлат томонидан тинч ва хавфсиз ҳаётини, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш конституцияда қафолатланиши ва мустаҳкамланиши халқнинг Асосий Қонунимизга бўлган ишончи ва маъсулиятини оширади.[1]. Шунингдек, ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаси сифатида фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълимни жорий этилиши ижтимоий ҳимоянинг юқори даражасидир.

Бу ҳолат эса, конституциявий ислоҳотларнинг янги Ўзбекистонда демократик муҳитни янгилашига, амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган халқнинг ишончини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ислоҳотлар янги кадриятларни ривожланишига, давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг бугунги кун талабига жавоб берадиган шарт шароитларини асослайди.

Шу ўринда табиий савол туғиладики, аҳолининг ўзи бу ислоҳотларга тайёрми?-деган. Шу боис, ҳамма даврда аҳолини янги қабул қилинаётган қонунлардан хабардор қилиш учун ҳуқуқий тарғибот маасаларига катта эътибор берилган.

Демак, жамиятда аҳоли ўртасида ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг муҳим қисмидир.

Зеро, фуқароларнинг қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардор бўлиши ва уларни амалиётда тўғри қўллаши давлатимизнинг ривожланишида катта ўрин тутади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг тараққиёти мазкур давлат ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг қонунлардан ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қанчалик хабардорлиги ва ушбу қонунларга нисбатан муносабатига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида қайд этилганидек: “Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин?

“Ҳуқуқий маданият маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий бойликлар сифатида қонунга итоаткор турмуш тарзини шакллантирувчи, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий бошқарувчи ва мамлакатда ҳуқуқий тартибларни ўрнатувчи ҳуқуқий маконда, норматив актларда ва ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади”.

Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

«Ҳуқуқий маданият» тушунчаси соф ҳуқуқ доирасидан анча четга чиқиб, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик, чинакам ижтимоий адолат ўрнатиш, жамият ҳуқуқий ҳаётининг энг муҳим томонларига дахлдор кадрият сифатида аҳамиятга молик бўлган хулқ-атвор қарор топишига сабаб бўлади».

Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли — қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот

воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чеклаб бўлмайди. ниш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам.

Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак ”[2]. Зеро, ҳуқуқий давлат ва демократик одил жамиятни барпо этиш жараёни омманинг нафақат сиёсий фаоллиги, уюшқоқлиги, ҳамжихатлигига, балки ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу йўналишда мамлакатимизда салмоқли ишлар қилинди. Хусусан: Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 16 майдаги қарори қабул қилинди. Мана шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятимизда ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашдек устувор вазифалар билан чуқурроқ шуғулланиш имконини бермоқда.

Адабиётлар таҳлили.

Маълуки, қабул қилинадиган қонунларни аҳолига етказиш, кенг жамоатчиликка тарғиб этиш масалалари қадим юнон олимлари Афлотун, Арастудан бошланган бўлиб, Шарқ халқлари мутаффақирлари Ибн Сино, Ал Бухорий, Фаробий, Алишер Навоий ва каби мутаффақирлар сиёсий-ҳуқуқий қарашларида баён этилган. Мавзунинг ривожланиш даражаси. Конституциявий ислохотларни назарий тадқиқ қилиш муаммолари ҳали маҳаллий юридик фан вакилларининг кенг эътиборини жалб қилмоқда. Кўйилган муаммоларни ўрганиш учун ҳуқуқ ва давлатнинг умумий назарияси ва тарихи, ҳуқуқ фалсафасига оид фундаментал тадқиқотлар, асарлар муҳим аҳамият касб этади. Улар орасида юридик фан доктори, академик А.Х.Саидов, профессорлардан О.Т. Хусанов, Е.Д. Кутибаева, Ф.Х.Отаханов, Г.Маликова,, З.М.Исломов, А.А.Азизхўжаев, И.Беков.Б.Нариманов, каби олимларнинг ишлари бор. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ислохотларга бағишланган республикаимизда кўплаб илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтганининг ўзи ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Айнан ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарғибот масаласига оид хаам илмий ишлар мавжуд бўлиб, жумладан, Кадиров Эшмухаммад Омантурдиевичнинг “Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари мисолида)” таҳлил этилган. Ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган илмий изланишлар ҳуқуқшунос олимлардан Э.Абзалов, Н.Вахобов, Д.Дехқонова, И.Кудрявцев,Х.Маматов, О.Насриддинова, Х.Одилқориев, Ё.Садикова, Р.Турдибоева, А.Хамраев, Ш.Якубов ҳамда сиёсатшунос олимлардан Б.Жўраев, С.Жўраев, Л.Тангриев, Ш.Эрматов кабиларнинг илмий изланишларида муайян даражада тадқиқ этилган. Хориж мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларидан Е.Аграновская, Н.Кейзеров, А.Малько, Н.Матузов, ва бошқаларнинг илмий ишларида ўспирин ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Бироқ, барча хилма-хиллик билан ушбу муаллифларнинг асарлари ўрганилаётган мавзунинг барча муаммоларини тўлиқ қамраб ололмайди. Чунки давр билаан ҳамнафас қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳам шиддат билан ўзгармоқда. [3].

Айниқса, қонун ва уни тарғиб этиш масалалари Форобий қарашларида кенг таҳлил этилган. Агар Форобий асарларига эътибор берсак, унда қонун асосида жамиятда уйғун тартиб ётиши кераклигини кўрсатишга уриниш намоён бўлади. Айнан уйғунликда, тизимлиликда ва илм, ахлоқ ва амалий кўникмалар бирлигида тартиб ўз мазмунига эга бўлади. Шундай қилиб, моҳиятни, хусусиятларни билиш ва амалиёт қонун чиқаришнинг асоси, унинг самарадорлиги гарови бўлмоғи шарт.

Адабиётларда жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини тўғри ташкил қилиш ва албатта ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича бир қатор назарий асослар келтириб ўтилган.

Тадқиқот усуллари. Илмий мақола тайёрлашда тарихий, тизимли-тузилмавий, киёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ушбу соҳадаги миллий мутахассислардан бири иқтисодиёт фанлари доктори Нодирбек Расуловнинг таъкидлашича амалдаги конституцияга ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган нормаларнинг киритилиши **биринчидан**, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ҳамда ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларининг ҳал этилишини таъминласа, **иккинчидан**, ишсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этилишига, аҳоли даромадларини ўсишига ҳамда эҳтиёжманд аҳоли қатламини арзон уй-жойлар билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланишга замин яратади. Ёёки соғлиқни сақлаш тизимига оид Н.Э.Гафурованинг қайд этишича: “Тиббиёт ҳуқуқи – нисбатан ҳуқуқнинг янги тармоғи бўлиб, илмнинг муайян бир йўналиши, илмий тартиб-қоидалардан иборат [14].. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат доирасидаги ҳаракатлар билан чекламасдан, ўзининг миллий қонунчилигини бу борадаги универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга уйғунлаштириб бормоқда.

Агар муаммонинг тарихий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил этсак, унда қомусий олим Абу Наср Форобий илмий меросига мурожат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Форобий қонун ўрнатувчилар мукамал эгаллашлари шарт бўлган тафаккур тизими ҳақида фикрни илгари сургани, шубҳасиз. Ўзининг мулоҳазалари билан Форобий қонунчиликка мана шундай ёндашувда ўрнатган кўрсатгандек бўлади ва қонунларни фақат абстракт тафаккурли кишилар яратиши мумкин деб яна бир бор таъкидлар экан, таҳлил қилинаётган муаммонинг жиҳатларини чуқурлаштирмайди. Қолаверса, Форобий бу тушунчани бевосита атамаган ҳолда қонун ўрнатувчи, энг аввало, тадқиқотчи (ёки файласуф) бўлиши шарт, дер экан, айнан абстракт тафаккур хусусиятларини тарғиб қилади. Бу нарса - инсон ақлидир». Форобий учун қонун чиқарувчи тадқиқотчи ва сиёсатчи бўлиши керак. Акс ҳолда, қонунни шакллантириш ва амалга ошириш жуда қийин. Шу билан бирга Форобий қонунларнинг доимий эмаслиги ва ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзгариши сабабли ўзгариши мумкинлигига эътибор қаратади. Бу Форобийнинг ўша даврдаги ҳуқуқ ҳақидаги ҳукмрон таълимотга қарши илғор фикр соҳиби эканлигини кўрсатади.

Форобийнинг фикрича, қонун чиқариш узлуксиз жараён бўлиб, у ёки бу қонунга бўлган эҳтиёж ўзининг ижтимоий мазмунини ва аҳамиятини йўқотади, яъни унинг табиати ўзгарганда ўзининг қонунлик хусусиятини йўқотади. «Қонунларнинг ҳақиқий эмаслиги ва уларнинг йўқолиши, - деб ёзади Форобий, – икки сабаб билан изоҳланади биринчидан, уларнинг амал қилиш муддати тугайди; иккинчидан, жаҳонда рўй берадиган халқларга офат келтирувчи сув тошқинлари, вабо сингари оммавий фалокатлар натижасида бўлиши мумкин.

Форобий кишиларнинг бир-бирларига, маданиятга, санъатга, ахлоқий меъёрларнинг урф-одатлар таъсирида ўзгаришига бўлган муносабатларининг ижтимоий эволюциясини ёритар экан, дунё тараққиётнинг шарт-шароитлари ва омиллари кишиларнинг ўзлари томонидан яратиладиган қандайдир объектив қонунларига бўйсунган ҳолда такомиллашиб боради деган фикрни келтиради. Ижтимоий муносабатларнинг тадрижий ривожланиши мураккаб бўлиб, ўзининг ижобий ва салбий жараёнларига эга. Жамиятни ривожланишнинг янги поғонасига олиб чиқар экан, тараққиёт ва таназзул (регресс) навбат билан алмашади, бунда, мисол учун, худди кон қазиш, дарахт кесиш, устахоналар ва уйлар қурган сингари йўқолган санъатларни қайтадан тиклашга тўғри келади. «Фақат булар ўрнатувчилар учун унча қийин эмас, – дейди Форобий, – Кишилар ўзларининг нима мақсадда яшаётгани ҳақида фикрлай бошлайдилар ва санъат воситаларини билиш даражасига етишадилар».[4] Форобий урф-одатлар ҳақида гапирар экан, уларда конституциявий-ҳуқуқий хусусиятларни кўрмаслик

мумкин эмас. Одамларни ижтимоий ўзини-ўзи англашлари ривожланиши орқали боғловчи урф-одатлар, Форобийнинг фикрига кўра, охир-оқибат: «биринчи навбатда турли турмуш тарзига эга бўлган кишиларни, катта эътиборли оилалар аъзоларини, катталар ва фарзандларни бирлаштириб, уларга эзгулик келтирувчи умумий қонун яратишга мажбур қилади». Бу ерда «эзгулик» сўзини айtilган гапларнинг мазмунини бузмаган ҳолда «хуқук» тушунчасига алмаштириш мумкин, чунки Форобий бу асаридан нима ҳақда гапирмасин, ўз олдига қандайдир ўзгармас, барқарор меъёрларни, ҳар бир кишига худди хуқукдай хос бўлган маълум қоидаларни аниқлаш мақсадини кўяди.

Қонунларни тадбиқ қилиш ҳақида гапирар экан, Форобий Афлотунга мурожаат қилиб шундай дейди: «...қонунлашиш фақат унда ҳукмдорлар ва бўйсунувчилар бўлгандагина мукамал амалга ошган бўлади». [5] Ҳукмдорларга қўйиладиган талаблар X аср ўрталарида араб давлатларидаги юксак мартабали шахс мақоми ҳақидаги тасаввурларга мос тушади: «Ҳукмдорлар олийжаноб кишилардек обрўли ёшда ва (ҳаётини) тажрибага эга бўлишлари керак. Бўйсунувчилар - болалар, ёшлар ва жоҳиллардан бошқа ҳамма кишилардир» Бошқача қилиб айтганда, ҳокимият ва бошқарувнинг аниқ марказлашган ва аниқ табақалашган тизими бўлиши керак. «Халқ унинг ортидан бориши, қонуннинг собитлиги эзгу, камчиликлари эса енгил кечиши учун лозим, қонун чиқарувчи доим иш устида (бошқарув ишида) бўлмоғи керак, акс ҳолда ишдаги қийинчиликлар чуқурлашади».

Нолойиқ одамларга нисбатан қонунни қўллаш хусусида гапирар экан, Форобий замонавий жиноий ва маъмурий хуқук категориялари, яъни адлия вазифалари ҳақида мулоҳаза юритади. Агар бундай муносабат ўз йўналишини ўзгартириб, эркин ва фозил кишиларга қаратилса, жаҳолат ва зўрликка айланади. Бунда Форобий келажакдаги жамият вазифасини, яъни қонунлар ҳеч қандай шароитда эркин ва фозил кишилар хуқуқларини камситмайдиган бўлишига кераклигини кўради. «Бошқарув турлари қонун чиқариш турларига мос бўлади, чунки ҳокимият қонунга бўйсинади, улардан келиб чиқади ва уларга асосланади. Бошқарув, шунингдек, қонунлар миқдори ва уларнинг қадрига ҳам боғлиқ».[8]

Форобий қонунчилик хусусида гапирар экан, хуқуқий тизимнинг тармоқларга бўлиниши назарий асосларини яратади. Жумладан, аҳоли сонини тартибга солувчи никоҳ ва туғилиш ҳақидаги қонунчилик хусусида тўхталиб ўтади. Форобий шундай фикрга келадик, қонунлар турли чекловлар ва жазоларни суиистеъмол қилмасликлари керак. Қонуннинг кучи, энг аввало, унинг зарурлигини кўнгилдан тушунадиган кишиларнинг онглилигида намоён бўлиши шарт. Шу ернинг ўзида фуқаролик жамиятининг асослари – қонун (фуқаролик хуқуқи) фақат баҳсларни ечиш учунгина аралашадиган шартномавий муносабатлар борасида сўз юритади. Бундай баҳслар суд тартибидан, ишнинг батафсил ўрганиш йўли билан ҳал қилинади.

Форобий ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тартибга солувчи қонунлар ҳақида ҳам эслаб ўтади. «Қонунчилар аҳоли ўртасида ер тақсимлар эканлар, қонун лойиҳасидаги улар киритмоқчи бўлган бўлимларини аҳолидан яширмасликлари керак». Кўрганамиздек, қонунлар ва қонун лойиҳалари барча эришиши, эҳтимолки, муҳокама қилиши мумкин бўлган даражада бўлиши зарур. Ер соҳаси билан боғлиқ қонунчиликдан ташқари Форобий мулк ва тижорат, ер кадастри, қишлоқ хўжалиги ва сувга, шунингдек, статистика хизматига тегишли хуқуқларни эслаб ўтади. Шу муносабат билан тақиқловчи чоралар ҳам эсланади: «...қонунчи барча тарбияли ва ақлли кишилар билан бойликдан фойдаланишни тақиқлаши керак, буни қоидалардан бирига киритиб, халқ уни бузмаслиги учун унинг мазмунини англашиши, қонунларга қандай риоя қилиш кераклигини тушунтириши керак».

Форобий давлат бошқаруви соҳаларини тартибга солувчи маъмурий хуқук масалаларига батафсил тўхталган олим. Бу соҳадаги қонунчилик бир жойда тўхтаб қолмаслиги, балки муттасил такомиллаштирилиши зарурлиги таъкидланади. Қонунларни чиқариш учун Форобий «ҳаёт тажрибасига ва яхши ахлоққа» эга кишиларни жалб этишни назарда тутди, бунда у давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич шакллантириш хусусида мулоҳаза юритади: «Кишилар орасида тартиб ўрнатгач, уруш эҳтимолига қарши стратегларни, уларнинг ҳарбий саркардаларини тайинлаш керак... Эҳтимол, бирданга мутлақо тўғри тартиб ўрнатилмаслиги ҳам мумкин». Давлат бошқаруви тизимини

шаклантириш ҳақида гапирар экан, Форобий қонун ўрнатиш билан машғул ҳокимиятда сиёсий рақобат зарурлиги ҳақида фикр юритади. Бу рақобатда яхшилар ютиб чиқишлари ва бунинг учун барча имкониятларга эга бўлишлари керак. Қонун чиқарувчиларнинг фаолияти доимий ўтказиладиган умумий йиғилишлар, форумлар шаклида бўлиши керак. Бу жараён аҳоли учун очиқ бўлиши ва муносиб даражада олиб борилиши шарт. «(Раҳбарларнинг) дастлабки кадр-қиммати, ғурури очиқ кўнгиллик ва ҳурмат, иккинчиси - эзгулик, учинчиси - хушмуомалалик, тўртинчиси - обрў-эътибор бўлмоғи керак». [15].

Шу муносабат билан инсонпарварлик ҳуқуқи тилга олиб ўтилади. Унга мувофиқ куллар ва қувғинлар тенг ҳуқуққа эга бўлишлари керак. Давлатдаги тартиб ва ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги худди шунга боғлиқдир. [13].

Дарҳақиқат, халқимиздан келган тақлифларда ҳам бугунги кунда ижтимоий масалаларга катта эътибор берилганининг гувоҳимиз. Ҳаттоки, ижтимоий давлат тушунчаси кириб келди. Халқчил давлат иборсаи қўлланилмоқдаки, бу Форобий қарашларининг мантикий ва амалий изчиллиги десак, мубоаға бўлмайди. Масалан, “Тенглик – ҳар кимга ўзига яраша берилган даражадир. Бу тенглик меҳр-муҳаббат ва дўстликни дунёга келтиради”. Шу билан бирга, жамиятда табақалашув (иерархия) бўлиши керак, акс ҳолда омма орасидаги ҳар ким бошлиқ ролига даъво қилиши мумкин, бу эса, шубҳасиз, фуқаролар урушига олиб келади. Форобийнинг “Фозил шаҳар одамларининг қарашлари ҳақида китоб” асари мутафаккир ижодидаги энг яхши асарлардан биридир. Кўпчилик манбаларда таъкидланишича, бу асар 942-йилда Бағдод ва Дамашқда ёзилган “Фуқаролик сиёсати” номли матнга асосланган асарларнинг мантикий давоми ва илмий мунтазамлашуви тариқасида 948-йилда Мисрда яратилган.

Форобий таълимотида фуқаро бошқаруви фани икки турга:

а) саодатга эришиш илмини ҳам ўз ичига оладиган ҳаракатлар, қоидалар, анъаналар ва хусусиятлар (“Хатти-ҳаракатлар ва ахлоқ одоб меъёрлари”) тўғрисидаги фанга;

б) шаҳарларда ва халқлар орасида олийжаноб одатлар ва анъаналарни ривожланиши учун унумли замин яратадиган қоидалар тўғрисидаги фанга бўлинади.

Ҳақиқатни англаш учун мутафаккирнинг фикрича, аввало назарий билим зарур. Шу сабабли Форобий сиёсий-ҳуқуқий таълимотнинг маърифатчилик воситаси билан узвий алоқадор эканини кўрсатади. Ҳар қандай шакллардаги билим ва унинг олий поғонаси бўлган фан мутафаккир назарида ижодкорлик объектлари бўлиб, ҳар бир мусулмон илмли ва доно бўлмоғи керак. Шу туфайли асосан ижтимоий ахлоқ-одоб масалаларига бағишланган “Фозил шаҳар одамлари қарашлари ҳақида китоб” асари маърифатчилик воситаси билан маънавийликни ёйиш зарурлиги мавзусини ўз ичига олади. Муаллифлардан бирининг ҳақли равишда ёзишича, Форобийнинг бахт-саодатга эришишдаги умумий методологияси катта аҳамиятга эгадир. [10].

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқ тармоқлари билан бирга Форобий ҳарбий қонунчилик, ирригация билан боғлиқ, мансаб, кулларга ва уй ҳайвонларига тегишли, солиқ қонунлари, байрамлар ва спортга тааллуқли, назорат ва мерос ҳуқуқлари хусусида сўз юритади. Шунингдек, ҳозирги замон тили билан айтганда, ҳуқуқнинг бир қанча тармоқлари ҳақида эслаб ўтади.

Дарҳақиқат, ҳар бир қонун, аввало, жамият ҳамда давлат тараққиёти, халқ фаровонлиги ва бахт-саодатини кўзлаб қабул қилинади. Маълумки, жорий йилнинг 24 июнь куни “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонунчилик палатасида шунингдек, қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2022-йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Инсон кадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг

кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак” деб таъкидланган эди.

Инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбуриятидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади, қонунларнинг маъносини, мазмунини ва қўлланилишини, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини белгилайди. (13-модда) [7].

“Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳада демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш талаб этилиши белгиланган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг биринчи устувор йўналиши ҳам бежизга “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб номланмаган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги барча 100-мақсад ҳам инсон қадрини юксалтириш ғояси асосида ишлаб чиқилган.

Бу йилнинг номланиши ҳам айнан инсон қадри учун деган юксак ғоянинг замирида бунёд этилгани бежиз эмас. Юртимизда ҳар бир соҳада рўй бераётган ўзгаришлар аввало инсон учун яратилаётган қулайликларнинг ёрқин ифодасидир.

Белгилаб олинган “Инсон қадри учун – 100 та мақсад”га эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбир амалга оширилмоқда. [8].

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари – ҳар бир инсоннинг миллати, яшаш жойи, жинси, этник келиб чиқиши, танасининг ранги, дини, тили ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ажралмас ҳуқуқларидир. Барча одамлар ҳар қандай турдаги камситишларни истисно қилган ҳолда, инсон ҳуқуқларидан бир хилда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу ҳуқуқлар ўзаро боғлиқ ва ажралмасдир. Инсоннинг умумбашарий ҳуқуқлари кўпинча шартномалар, халқаро одат ҳуқуқи, ҳуқуқнинг умумий принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларида қонун кўринишида мустақамланган ва кафолатланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлатларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларни юклайди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948-йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак” деб белгиланган. [9].

БМТнинг 1966-йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида “Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз худудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади”- деб белгиланган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида “Ушбу Пактда қатнашувчи давлатлар мазкур Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни бирор-бир камситишсиз, яъни ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, насл-насаби ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар кафолатлаш мажбуриятини оладилар” деб белгиланган.

Эътиборли томони, бундай қоидалар Германия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Бельгия, Янги Зеландия, Финляндия, бир қатор МДХ мамлакатлари ва бошқа давлатлар конституцияларида келтириб ўтилган. Албатта, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот борасида кўпгина ҳуқуқий асослар яратилганидан хабардормиз. Жумладан, “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сонли Фармони;

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли Қарори;

“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли фармони;

“Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли фармони;

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 17 мартдаги ПФ-89-сон Фармони каби бир қатор мисоллар келтириш мумкин.

Зеро, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga кўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948-йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак” деб белгиланган.

БМТнинг 1966-йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида “Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз худудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади”- деб белгиланган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида “Ушбу Пактда қатнашувчи давлатлар мазкур Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни бирор-бир камситишсиз, яъни ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, насл-насаби ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар кафолатлаш мажбуриятини оладилар” деб белгиланган.

Эътиборли томони, бундай қоидалар Германия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Бельгия, Янги Зеландия, Финляндия, бир қатор МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатлар конституцияларида келтириб ўтилган.

Хулоса ва таклифлар.

Мазкур тадқиқотда кўтарилган мақсад: Янги Ўзбекистонда жорий-йилда Конституцияни ўзгартириш бўйича умумхалқ муҳокамасини кузатар эканмиз, умумхалқ муҳокамасига чиқарилгандан сўнг бугунга қадар 150 мингдан ортиқ таклифлар юборилгани эътиборга лойиқ. Эътибор беринг-а, Конституциявий комиссия маълумотларига кўра, 30 июль ҳолатига кўра, фуқаролар ва ташкилотлардан 117,3 мингдан ортиқ (шундан 62 мингдан кўпроғи лойиҳа эълон қилингунга қадар) таклиф келиб тушди. Шундан энг кўп қисми — 77,6 мингдан ортиғи телефон орқали қабул қилинган. 24,3 минг таклиф эса «Бу менинг Конституциям» сайти орқали келган. 14,5 минг таклифни эса фуқаролар шахсан етказган. Коллектив мурожаатлар сони эса 860 та атрофида бўлгани қонунларга халқимизнинг ишончи ва ҳурмати ортаётганидир. Албатта бунда муҳокамалар Meningkonstitutsiyam.uz сайтида pdf

форматда эълон қилинди. Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар ҳамда олиб борилаётган ишларни аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида ОАВ орқали кўплаб материаллар чиқарилди.

Давлат ва нодавлат телеканалларда 11 606 та лавҳалар, интервьюлар, информацион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатилди, радиоканалларда 2 997 та информацион ва махсус эшиттиришлар ташкил қилинди.

Марказий, худудий ва сиёсий партиялар нашрларида жами 1138 та мақолалар чоп этилди.

Конституциявий ислохотлар юзасидан интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда жами 46 720 та ахборот материаллари эълон қилинди.

Бу ҳақда, давлатимиз раҳбарининг «Конституция фақат Ўзбекистон халқининг таклиф ва фикрлари асосида ўзгартирилади ҳамда такомилга етказилади» -деган эътирофи айна ҳақиқатлигини амалда исботлади [7].

Эътиборли жиҳати келиб тушган таклифлардан, хусусан фуқароларимиздан келиб тушаётган таклифлар орасида:

- давлатнинг ишсизликни тугатиши;
- солиққа тортишнинг мутаносиб ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши;
- давлатнинг зарур ҳолларда хориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши;
- давлат органлари фаолиятида очиқликнинг бўлиши ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш;
- аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлиги;
- маҳаллий Кенгашларга ҳам ҳокимларга ишончсизлик вотумини билдириш ваколатини бериш;
- суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашга ҳақли эмаслигини белгилаш ҳақида ва бошқа шу каби келиб тушган таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Демак, аҳоли ўртасида қонунлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ва тушунтиришга қаратилган тарғибот ишлари ҳамisha долзарб вазифадир. Янгиланаётган жамиятимизда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини доимо самарали давом эттириш: аалбатта барчамиз учун ҳам оилада, ҳам маҳаллада, ҳам жамоада доолзарблигича қолаверади.

Албатта, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини доимий равишда юксалтириб бориш, республикамиздаги барча давлат бошқарув органларининг асосий вазифаларидан биридир. [11, 16].

“Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳада демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш талаб этилиши белгиланган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг биринчи устувор йўналиши ҳам бежизга “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб номланмаган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги барча 100-мақсад ҳам инсон қадрини юксалтириш ғояси асосида ишлаб чиқилган.

Бу йилнинг номланиши ҳам айнан инсон қадри учун деган юксак ғоянинг замирида бунёд этилгани бежиз эмас. Юртимизда ҳар бир соҳада рўй бераётган ўзгаришлар аввало инсон учун яратилаётган қулайликларнинг ёрқин ифодасидир.

Белгилаб олинган “Инсон қадри учун – 100 та мақсад”га эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбир амалга оширилмоқда.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари – ҳар бир инсоннинг миллати, яшаш жойи, жинси, этник келиб чиқиши, танасининг ранги, дини, тили ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ажралмас

ҳуқуқларидир. Барча одамлар ҳар қандай турдаги камситишларни истисно қилган ҳолда, инсон ҳуқуқларидан бир хилда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу ҳуқуқлар ўзаро боғлиқ ва ажралмасдир. Инсоннинг умумбашарий ҳуқуқлари кўпинча шартномалар, халқаро одат ҳуқуқи, ҳуқуқнинг умумий принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларида қонун кўринишида мустақамланган ва кафолатланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлатларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларни юклайди.

Янги Ўзбекистонда жорий-йилда Конституцияни ўзгартириш бўйича умумхалқ муҳокамасини кузатар эканмиз, Ўзбекистон Конституциясини ўзгартириш бўйича фуқаролардан 117 мингдан ортиқ таклиф юборилгани эътиборга лойиқ. Эътибор беринг-а, Конституциявий комиссия маълумотларига кўра, 30 июль ҳолатига кўра, фуқаролар ва ташкилотлардан 117,3 мингдан ортиқ (шундан 62 мингдан кўпроғи лойиҳа эълон қилинганга қадар) таклиф келиб тушди. Шундан энг кўп қисми — 77,6 мингдан ортиғи телефон орқали қабул қилинган. 24,3 минг таклиф эса «Бу менинг Конституциям» сайти орқали келган. 14,5 минг таклифни эса фуқаролар шахсан етказган. Коллектив мурожаатлар сони эса 860 та атрофида бўлгани қонунларга халқимизнинг ишончи ва ҳурмати ортаётганидир. Албатта бунда муҳокамалар Meningkonstitutsiyam.uz сайтида pdf форматда эълон қилинди.

Бу ҳақда, давлатимиз раҳбарининг «Конституция фақат Ўзбекистон халқининг таклиф ва фикрлари асосида ўзгартирилади ҳамда такомилга етказилади» -деган эътирофи айти ҳақиқатлигини амалда исботлади [7].

Зеро, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда. [12].

Демак, аҳоли ўртасида қонунлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ва тушунтиришга қаратилган тарғибот ишлари ҳамиша долзарб вазифадир. Янгиланаётган жамиятимизда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини доимо самарали давом эттириш: аалбатта барчамиз учун ҳам оилада, ҳам маҳаллада, ҳам жамоада долзарблигича қолаверади.

Иқтибослар/Сноски/References.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Адолат, 2021. – 86 б. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. - T.: Adolat, 2021. - 86 p)
2. “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сонли Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 13, 2018 No. PF-5415 "On measures to fundamentally improve the activities of judicial bodies and institutions in the implementation of the state legal policy")
3. “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли Қарори (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 13, 2018 No. PQ-3666 "On organizational measures to further improve the activities of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan")
4. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил

- 9 январдаги ПФ-5618-сонли фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 9, 2019 No. PF-5618 "On the fundamental improvement of the system of raising legal awareness and legal culture in society")
5. “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5997 dated May 19, 2020 "On measures to further improve the activities of judicial bodies and institutions in the implementation of state legal policy") <https://lex.uz>
 6. “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 17 мартдаги ПФ-89-сон Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Decree No. PF-89 of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 17, 2022 "On measures to further increase the efficiency of the activities of justice bodies and institutions in ensuring the rights and freedoms of citizens and providing legal services" National database of legal documents)
 7. Шавкат Мирзиёев 2022-йил 3 июль куни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесиде депутатлар, фахрий ва фаоллар билан ўтказган учрашувидаги нутқидан (Shavkat Mirziyoev from his speech at the meeting with deputies, veterans and activists on July 3, 2022 at the Dzhokorg Council of Karakalpakstan)
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022-йилдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси, Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 28.01.2022 No. PF-60 "Development strategy of new Uzbekistan for 2022-2026", Decree) <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
 9. Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси Бош Ассамблеянинг 1948-йил 10 декабрдаги 217А (III)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган. (The Universal Declaration of Human Rights was adopted and promulgated by General Assembly Resolution 217A (III) of December 10, 1948) <https://nrm.uz/contentf?doc=371784>
 10. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. – Алма-Ата: Наука, 1985. – С. 127. (Al-Farabi. Historical and philosophical tracts. - Alma-Ata: Nauka, 1985. - P. 127)
 11. Платон. Соч. - М., 1971. - Т.3, 4.1. - С.251 (Plato. Hair. - М., 1971. - Т.З, 4.1. - P.251)
 12. Аристотель. Политика. - М. - Л., 1893. - С. 34 (Aristotle. Politics. - М. - Л., 1893. - P. 34)
 13. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: (Сб. междунар. документов)/Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. – 448 с. (International Conventions for the protection of human rights and the fight against crime: (Collection of international documents) / Comp. Yu.S. Pulatov. –Т.: Shark, 1995. – 448 p)
 14. Бахадиров Р. Из истории классификации наук на мусульманском Востоке. – Т.: Академия, 2000. – С. 55. (Bakhadirov R. From the history of the classification of sciences in the Muslim East. - Т.: Academy, 2000. - P. 55)
 15. Касимжанов А.Х. Абу Наср аль-Фараби. – М.: Мысль, 1982. – С. 157. (Kasimzhanov A.Kh. Abu Nasr al-Farabi. - М.: Thought, 1982. - P. 157)
 16. Соколова Н.С. Правосознание, правовая культура и правовое воспитание// Проблемы общей теории права и государства. – М., 1999. - С 406-407. (Sokolova N.S. Legal consciousness, legal culture and legal education// Problems of the general theory of law and state. - М., 1999. – P 406-407)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000